

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 131-ҳадис**

131 - أَنَّى ابْنُ عَبَّاسٍ فَسَأَلَهُ عَنْ وَثْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: أَلَا أَدُلُّكَ عَلَى أَعْلَمِ أَهْلِ الْأَرْضِ بِوَثْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: مَنْ؟ قَالَ: عَائِشَةُ، فَأْتَهَا فَاسْأَلْهَا، ثُمَّ اتَّبَنِي فَأَخْبِرْنِي بِرَدِّهَا عَلَيْكَ.

فَانْطَلَقْتُ إِلَيْهَا، فَأَتَيْتُ عَلَى حَكِيمِ بْنِ أَفْلَحٍ، فَاسْتَلْحَفْتُهُ إِلَيْهَا، فَقَالَ: مَا أَنَا بِقَارِبِهَا؛ لِأَنِّي تَهَيَّيْتُهَا أَنْ تَقُولَ فِي هَاتَيْنِ الشَّيْعَتَيْنِ شَيْئًا، فَأَبْتُ فِيهِمَا إِلَّا مُضِيًّا. قَالَ: فَأَقْسَمْتُ عَلَيْهِ، فَجَاءَ، فَانْطَلَقْنَا إِلَى عَائِشَةَ، فَاسْتَأْذَنَّا عَلَيْهَا، فَأَذِنَتْ لَنَا فَدَخَلْنَا عَلَيْهَا. فَقَالَتْ: أَحَكِيمُ؟ - فَعَرَفْتُهُ - فَقَالَ: تَعَمَّ. فَقَالَتْ: مَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: سَعْدُ بْنُ هِشَامٍ. قَالَتْ: مَنْ هِشَامٌ؟ قَالَ: ابْنُ عَامِرٍ. فَتَرَحَّمْتُ عَلَيْهِ، وَقَالَتْ خَيْرًا - قَالَ فَتَادَهُ: كَانَ أُصِيبَ يَوْمَ أُحُدٍ - فَقُلْتُ: يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ، أَنْبِئِينِي عَنْ حُلُقِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. قَالَتْ: أَلَسْتَ تَقْرَأُ الْقُرْآنَ؟ قُلْتُ: بَلَى. قَالَتْ: فَإِنَّ حُلُقَ نَبِيِّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ الْقُرْآنَ.

قَالَ: فَهَمَمْتُ أَنْ أَقُومَ، وَلَا أَسْأَلَ أَحَدًا عَنْ شَيْءٍ حَتَّى أَمُوتَ، ثُمَّ بَدَأَ لِي فَقُلْتُ: أَنْبِئِينِي عَنْ قِيَامِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقَالَتْ: أَلَسْتَ تَقْرَأُ؟ يَا أَيُّهَا الْمُرْمَلُ؟ قُلْتُ: بَلَى. قَالَتْ: فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ افْتَرَضَ قِيَامَ اللَّيْلِ فِي أَوَّلِ هَذِهِ السُّورَةِ، فَقَامَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابُهُ حَوْلًا، وَأَمْسَكَ اللَّهُ حَاتِمَتَهَا اثْنَيْ عَشَرَ شَهْرًا فِي السَّمَاءِ، حَتَّى أَنْزَلَ اللَّهُ فِي آخِرِ هَذِهِ السُّورَةِ التَّخْفِيفَ، فَصَارَ قِيَامَ اللَّيْلِ تَطَوُّعًا بَعْدَ فَرِيضَةٍ.

قَالَ: قُلْتُ: يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ، أَنْبِئِي عَن وِتْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَقَالَتْ: كُنَّا نُعِدُّ لَهُ سِوَاكَهَ وَطَهْرَهُ، فَيَبْعَثُهُ اللَّهُ مَا شَاءَ أَنْ يَبْعَثَهُ مِنَ اللَّيْلِ، فَيَتَسَوَّكُ وَيَتَوَضَّأُ وَيُصَلِّي تِسْعَ رَكَعَاتٍ، لَا يَجْلِسُ فِيهَا إِلَّا فِي الثَّامِنَةِ، فَيَكْتُرُ اللَّهُ وَيَحْمَدُهُ وَيَدْعُوهُ، ثُمَّ يَنْهَضُ وَلَا يُسَلِّمُ، ثُمَّ يَقُومُ فَيُصَلِّي التَّاسِعَةَ، ثُمَّ يَقْعُدُ فَيَكْتُرُ اللَّهُ وَيَحْمَدُهُ وَيَدْعُوهُ، ثُمَّ يُسَلِّمُ تَسْلِيمًا يُسْمِعُنَا، ثُمَّ يُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ بَعْدَ مَا يُسَلِّمُ وَهُوَ قَاعِدٌ، فَمِنَكَ إِحْدَى عَشْرَةَ رَكَعَةً يَا بُنَيَّ، فَلَمَّا أَسَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَخَذَ اللَّحْمَ، أَوْتَرَ بِسَبْعٍ، وَصَنَعَ فِي الرُّكْعَتَيْنِ مِثْلَ صَنِيعِهِ الْأَوَّلِ، فَمِنَكَ تِسْعٌ يَا بُنَيَّ، كَانَ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا صَلَّى صَلَاةً أَحَبَّ أَنْ يُدَاوِمَ عَلَيْهَا، كَانَ إِذَا غَلَبَهُ نَوْمٌ أَوْ وَجَعٌ عَن قِيَامِ اللَّيْلِ صَلَّى مِنَ النَّهَارِ ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رَكَعَةً، وَلَا أَعْلَمُ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَرَأَ الْقُرْآنَ كُلَّهُ فِي لَيْلَةٍ، وَلَا صَلَّى لَيْلَةً إِلَى الصُّبْحِ، وَلَا صَامَ شَهْرًا كَامِلًا غَيْرَ رَمَضَانَ.

قَالَ: فَأَنْطَلَقْتُ إِلَى ابْنِ عَبَّاسٍ فَحَدَّثْتُهُ بِحَدِيثِهَا، فَقَالَ: صَدَقْتُ، لَوْ كُنْتُ أَقْرَبُهَا أَوْ أَدْخُلُ عَلَيْهَا لَأَتَيْتُهَا حَتَّى تُشَافِهَنِي بِهِ. قَالَ: قُلْتُ: لَوْ عَلِمْتُ أَنَّكَ لَا تَدْخُلُ عَلَيْهَا مَا حَدَّثْتُكَ حَدِيثَهَا.

[خ 1969، م 746، ت 445، س 1315، د 56، ج 1191].

Зурорадан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Ҳишом Ибн Аббоснинг ҳузурига бориб, ундан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг витрлари ҳақида сўради. Ибн Аббос: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг витрларини дунёда энг яхши биладиганни кўрсатайми?» деди. «Ким?» деди у. «Оиша. Бориб, ундан сўра. Кейин менга келиб, сенга қандай жавоб қайтарганини хабар қил», деди.

(Саъд ибн Ҳишом айтади) «Мен Ҳаким ибн Афлаҳнинг олдига бориб, (Оиша розияллоҳу анҳонинг) олдига бирга боришини сўрадим. У: «Мен унинг ёнига бормайман, чунки уни анави икки гуруҳ хусусида бирор нарса дейишдан қайтарганимда ўз билганидан қолмаган», деди. (Бирга боришни талаб қилиб) қасам ичган эдим, кейин борди. Оишанинг олдига йўл олдик. Ҳузурига изн сўрадик. У бизга изн берди, ҳузурига кирдик. Уни таниб, «Ҳакимми бу?» деди. «Ҳа», деди. У: «Ёнингдаги ким?» деди. «Саъд ибн

Ҳишом», деди. У: «Қайси Ҳишом?» деди. «Омирнинг ўғли», деди. У менга раҳмат тилади, яхши гаплар айтди - Қатода: «У Уҳуд куни ҳалок бўлган эди», дейди - «Эй мўминларнинг онаси, менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ҳақида айтиб беринг», дедим. У: «Қуръон ўқимайсанми?» деди. «Ўқийман», дедим. У: «Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари Қуръон эди», деди. Шунда мен ҳозир тураману, ўлгунимча ҳеч кимдан ҳеч нима сўрамайман, дея азм қилдим, аммо (яна бир нарса) эсимга тушиб, «Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тунги ибодатлари ҳақида айтиб беринг», дедим. У: «**Йаа аййухал-муззаммил**»ни ўқимаганмисан?» деди. «Ўқиганман», дедим. У: «Аллоҳ азза ва жалла бу суранинг аввалида тунни ибодат билан ўтказишни фарз қилди. Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари бир йил тунни ибодат билан ўтказишди. Аллоҳ унинг хотимасини ўн икки ой осмонда ушлаб турди. Ниҳоят, Аллоҳ суранинг охирида енгиллик нозил қилди. Натижада тунни ибодат билан ўтказиш фарздан ихтиёрийга айланди», деди. Сўнг мен: «Эй мўминларнинг онаси, менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг витрлари ҳақида айтиб беринг», дедим. У шундай деди: «У зотнинг мисвокларини ва таҳорат сувларини тайёрлаб қўяр эдик. Аллоҳ у зотни тунда Ўзи истаганидек уйғотар эди. У зот мисвок ишлатар, таҳорат олар, сўнг тўққиз рақъат намоз ўқирдилар. Унинг фақат саккизинчи рақъатида ўтирардилар. Аллоҳни зикр қилиб, Унга ҳамд айтар ва дуо қилар эдилар. Кейин ўринларидан турардилар. Салом бермасдилар. Кейин туриб, тўққизинчисини ўқирдилар. Кейин ўтириб, Аллоҳни зикр қилар, Унга ҳамд айтиб, дуо қилар эдилар. Кейин бизга эшиттириб салом берардилар. Сўнгра, салом бергандан кейин, ўтирган ҳолда икки рақъат намоз ўқирдилар. Мана шу ўн бир рақъат эди, болам. Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам ёшлари ўтиб, тўлишгач, етти рақъат билан витр қиладиган ва икки рақъатда аввалгидек қиладиган (яъни ўтириб ўқийдиган) бўлдилар. Мана шу тўққиз рақъат эди, болам. Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васаллам бир намозни ўқисалар, унда бардавом бўлишни хуш кўрардилар. Агар у зот уйқу ёки оғриқ туфайли тунги ибодатни ўтказиб юборсалар, кундузи ўн икки рақъат ўқиб олардилар. Мен Аллоҳнинг Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир кечада Қуръоннинг ҳаммасини ўқиганларини ёки бирор кеча субҳгача намоз ўқиганларини ёхуд Рамазондан бошқа бирор ойда тўлиқ рўза тутганларини билмайман».

Мен келиб, Ибн Аббосга унинг айтганларини айтиб бердим. Шунда у: «Тўғри айтибди. Унинг ёнига бора олсам [ёки ҳузурига кира олганимда] эди, менга буни юзма-юз айтиб бериши учун олдига борган бўлардим», деди. Мен: «Сенинг унинг олдига кирмаслигингни билганимда, гапларини сенга айтиб бермас эдим», дедим».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можга ривоят қилишган.

Изоҳ: «Икки гуруҳ» деганда Усмон розияллоҳу анхунинг хунини талаб

қилиб чиққанлар билан Алий ибн Абу Толиб розияллоху анху ва унинг кўшини назарда тутилган.

Саъд ибн Ҳишом «Ҳозир тураману, ўлгунимча ҳеч кимдан ҳеч нима сўрамайман, дея азм қилдим» дейиш билан Оиша розияллоху анҳонинг жавобларидан қониққани ва бу жавоб унга бир умрга етарли бўлганини, ҳатто асл сўрамоқчи бўлган нарсаси ҳам эсдан чиқаёзганини назарда тутган.

Оиша розияллоху анҳо «фақат саккизинчи ракъатда ўтирардилар» деганда намоз асносидаги «қаъдаи увло», яъни фақат ташаҳхуд ўқиладиган ўтириш назарда тутилган. Демак, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳар икки ракъатда салом берардилар. Аммо тўртинчи икки ракъатлик намозда салом бермай, ташаҳхуддан кейин туриб, яни бир ракъат ўқиб, кейин салом берардилар. Мана шу уч ракъатлик витр бўлар эди.

«Етти ракъатда витр қилиш» деганда тўрт ракъат таҳажжуд ва уч ракъат витр ўқишлари тушунилади.

Манба: hadis.islom.uz

